СЎЗГА БЕЛГИ СИФАТИДА ЁНДАШИШ

М.Раҳимова
Қўқон ДПИ, Phd

Аннотация. Ушбу мақолада тилшунослик сўзга белги сифатида қараш бўйича маълумотлар келтирилиб, унда сўзнинг икки тмони ҳисобланмиш ифодаловчи ва ифодаланмиш муносабати ҳақида фикрлар берилган.

Калит сўзлар: сўз, белги, ифодаловчи, ифодаланмиш, номема, семема.

Сўзнинг товуш томони унинг мазмун томонига нисбатан белги эканлиги биринчи бобда кўрсатилди. Фердинанд де Соссюр ва билатералистик оқим вакиллари сўзни тушунча асосида белги ҳисоблаб, товуш томоннинг ёрдамчи элемент мақомига эга эканлигини айтади ва уни “signifier” деб атайди [4:70]. Бу атама рус тилшунослигига “означающее” атамаси билан қабул қилинган. Ҳар икки атама бир-бирига муқобил, эквивалент, зеро, улар таркибида белги (sign, знак) тушунчаси бор. Шу сабабли ҳар икки терминнинг ўзаро зидланувида уларнинг белгилик муносабатида эканлиги англашиниб туради: signifier – signified // означающее – означаемое. Афсуски, бу оппозитив атамалар ўзбек тилшунослигига ифодаловчи (выражающее) – ифодаланмиш (вырожаемое) тарзида таржима қилиб олинган ва ўзбекча муқобилида белгилик бўйича нисбатланиш акс этмай қолган. Аслида, атамалар, ўз моҳиятига кўра, белгиловчи (означаюшее) – белгиланмиш (означаемое) тарзида олиниши лозим эди. Шунингдек, ҳозирги даврда тилшунослар сўзнинг товуш томонини номема, мазмун томонини эса семема [3:37] деб аташмоқда. Бу атамалар муносабатида ҳам белгилик, сўзнинг белги-белгиланмиш муносабатига алоқадорлик сезилмайди.

Маълумки, психологияда бир психик бирлик (образ, тушунча каби)нинг бошқа бир психик бирликни ёдга туширилиши ассоциация ҳодисаси дейилади. Бу ҳодиса асосида икки лексик бирликнинг боғланишидан ҳосил бўлган муносабат ассоциатив муносабат ҳисобланади. Ассоциатив муносабатнинг ташкил этувчилари стимул ва ассоциатлардир. Хусусан, бу муносабатни сўзлар мисолида оладиган бўлсак, бошқа бир сўз (тушунча)ни ёдга тушириш учун хизмат қилувчи сўз стимул сўз, стимул сўз ёрдамида эсга туширилаётган сўз эса ассоциатдир[2:61].

Тил (нутқ)нинг пайдо бўлиши, аслида, товуш (товушлар комплекси)нинг тушунча (маъно) билан боғланиши натижасидир. Умуман, онгнинг, кейинроқ эса нутқ (тил)нинг шаклланиши асосида ассоциация ҳодисаси катта аҳамиятга эга бўлган.

Айтиш мумкинки, илк одамлар жамоасининг (жамиятининг) муайян босқичида меҳнат қуролларининг ясала бошлаши, ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши, тараққиёти кишиларда онг, тафаккурнинг ўсишига, уларда янгидан янги тушунчаларнинг шаклланиши, бу тушунчаларни хотирада сақлаш, бошқаларга етказиш, онгли равишда ниманидир айтиш эҳтиёжининг кучайиши биринчи сигнал системасидан иккинчи сигнал системасига ўтиш эҳтиёжини келтириб чиқарди. Маълумки, биринчи сигнал (белги) вазифасини табиий предмет, ҳодиса, хусусият кабилар бажарган, яъни одам бир табиий предмет асосида иккинчи бир предметни сезиб, англаган. Хусусан, булут орқали ёмғир, очиқ ҳаво орқали қуёш чиқишини билган, улар ҳақида хабарга эга бўлган. Албатта, юқорида эслатилганидек, одамлар онгида вужудга келаётган кўплаб тушунчаларни ифодалаш учун сигнал, белги вазифасини бажарувчи табиий предмет, ҳодисалар етарли бўлмай қолган. Ана шунда табиий сигнал-белгилар тизими нутқ товушлари ҳисобига кенгайтирила бошлаган. Бошқача айтганда, масалан, табиий овоз-шовқин белгиси ёнига ўз нутқ органлари ёрдамида ҳосил қилинган шартли, товуш белгилардан ҳам фойдаланишга ўта бошланган. Шундай қилиб, шартли рефлексга асосланган биринчи сигнал системасидан нутқ товушлари ёрдамида ҳосил қилинган, сўз-белгига асосланган иккинчи сигнал системасига ўтила бошлаган[1:47].

Биринчи сигнал системасидан иккинчи сигнал системасига, яъни сўзнинг товуш томонини (номемасини) ҳосил қилишга ўтиш одам нутқи аппарати олдига кўп миқдордаги нутқ товушларини ҳосил қилиш вазифасини қўйган. Бу эса артикуляция ўрни ва усулларининг сермаҳсуллигини оширишга, янгидан янги интеграл ва дифференциал фонологик белгиларнинг шакллантирилишига, фонетик-фонологик оппозицияларнинг кўпайтирилишига олиб келган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:

1. Боймуродов Н. Амалий психология. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. – Б. 47.
2. Лутфуллаева Д.Н. Ассоциатив тилшунослик назарияси. – Тошкент: Meriyus, 2017. – Б.61
3. Ҳ.Неъматов, Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. - Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 57;
4. Фердинанд де Соссюр. Курс общей лингвистики. - Екатерингбург: Изд-во Урал, 1999. – С. 70.